

## Шижоат



08:00 / 01.12.2020 1483

Собит Бунонийдан ривоят қилинади: «Абу Лайло Ибн Умму Мактумнинг қуйидаги сўзини келтиради: «Роббим, менинг узримга оят нозил қил», деб дуо қилган эдим. Шунда **«Узрсиз бўла туриб (уйида) ўтирувчи мўминлар билан Аллоҳ йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчилар тенг бўлмайдилар. Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларни (уйида) ўтирувчилардан (кўра) ортиқ даражали қилди. Ҳаммасига ҳам Аллоҳ чиройли (савоб) ваъда қилди. Аллоҳ улкан мукофот (тақсими)да ўтирувчилардан кўра мужоҳидларни буюк ажр билан афзал этди»** (Нисо сураси, 95-оят) ояти нозил бўлди.

Шундан кейин у ғазотларда қатнашар, «Байроқни менга беринглар, чунки мен кўрмайман ҳам, қоча олмайман ҳам. Мени икки сафнинг ўртасига турғизиб қўйинглар», дер эди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**

[1] Нисо сураси 95-оят.